



O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI
ADLİYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3270
20 20 yil 30 iyun



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ
ҚАРОРИ**


**Тижорат банклари томонидан ташкил этиладиган
инкасация хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сонли “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва ракобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қиласди:

1. Тижорат банклари томонидан ташкил этиладиган инкасация хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2020 йил “27” шокъ,
1574-сон



M. Нурмуратов

000371

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2020 йил 27 июнданги 15/4-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан ташкил этиладиган
инкасация хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом тижорат банклари томонидан инкасация хизматини ташкил этишга қўйиладиган талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

зирҳли автотранспорт – нақд пул ва бошқа қимматликларни ташиша қатнашайтган инкасация хизмати ходимлари ҳаёти ва соглигини ҳимоялаш ҳамда қимматликларнинг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида маҳсус ҳимоя (брон)ланган автотранспорт воситаси;

инкасация хизмати – хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек банклар, банкларнинг филиаллари ва алоҳида бўлинмаларига тегишли бўлган нақд пул ва бошқа қимматликларни инкасация қилиш, ташиш ҳамда кузатиб бориш хизмати;

ихтиослашган хизмат кийими – форма атрибуларидан фойдаланган ҳолда инкасация хизмати ходимлари томонидан кийиб юришга мўлжалланган хизмат кийимлари;

маҳсус автотранспорт – нақд пул ва бошқа қимматликларни инкасация қилиш ва ташиш учун мўлжалланган тегишли рангли график схемага эга бўлган, маҳсус қўқ рангли маёқча (мигалка) ва товушли сигнал (сирена), радиоалоқа ва бошқа воситалар билан жиҳозланган, банк (инкасация хизмати) логотипи туширилган, автотранспорт воситаси;

маҳсус ҳимоя воситалари – инсон танасини ўқотар қуроллар, шунингдек, портлашда металл парчалари (осколка)дан сақлаш мақсадида фойдаланиладиган маҳсус зирҳли нимча, қуролни олиб юриш учун кабура, энли камар ҳамда қуролни ҳимоя тасмаси;

нақд пуллар – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан турли номиналлардаги банкнот ва тангалар кўринишида муомалага чиқарилган пуллар;

рангли график схема (декоратив) чизик – маҳсус автотранспорт воситаси ташқи қисмининг асосий рангига нисбатан ёрқинроқ бўлган ён қисмларига горизонтал транспортлар оқимида ажralиб турадиган бир лаҳзада аниqlаш имкониятини таъминловчи чизик;

радиоалоқа воситаси – навбатчи инкассатор ва инкассаторлар гурухлари ўртасида тезкор алоқани таъминлаш ва хавфдан огоҳ этишда фойдаланиш воситаси.

қимматликлар – банк касса тармоғига сақлаш учун ёки гаров таъминоти сифатида топширилған ва ўз қийматига эга бўлган барча қимматликлар (қимматбаҳо металл ва тошлардан тайёрланган буюмлар, сақлаш учун топширилған қимматли қофозлар, мулклар ва мулкий хуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, тўлов-ҳисоб ва қатъий ҳисобда турувчи бланклар ва ҳоказолар).

2-боб. Инкассация хизматини ташкил этиш

3. Тижорат банкларининг инкассация хизмати (бундан буён матнда инкассация хизмати деб юритилади) фаолиятининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектлар, банклар, банкларнинг филиаллари ва алоҳида бўлинмаларига тегишли бўлган нақд пул ва бошқа қимматликларини шартнома асосида дахлсизлиги (бутлиги)ни таъминлаган ҳолда инкассация қилиш, ташиш ҳамда кузатиб боришдан иборат.

4. Инкассация хизмати нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилиш, ташиш ҳамда кузатиб боришни ва унинг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат қуролидан фойдаланган ҳолда, шунингдек ихтисослашган хизмат кийимида ва маҳсус автотранспорт воситалари орқали инкассация бригадаси томонидан амалга оширади.

5. Инкассация хизмати ходимларини хизмат қуроллари ва унинг ўқ-дорилари билан таъминлаш, уларни сақлаш, фойдаланиш ҳамда ҳисобини юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилиш, ташиш ва кузатиб бориш билан боғлиқ ишларга жалб этиладиган ходимларнинг хизмат вазифасини бажариш вақтида кийиб юришлари учун ихтисослашган хизмат кийими, маҳсус ҳимоя воситалари, хизмат қуроллари ва унинг ўқ-дорилари тижорат банки томонидан таъминланади.

7. Инкассаторлар хўжалик юритувчи субъектлардан пул тушумларини йигиш йўналишларини ва уларнинг ташриф вақти жадваллари инкассация хизмати томонидан тузилади. Мазкур қатнов жадваллари ҳар йилнинг бошига янгиланиши мумкин.

Инкассация йўналишлари ва инкассаторлар гурухини паналаб ҳимоялаш режаси жойлардаги ички ишлар органлари билан келишилади ҳамда заруратга қараб, янгилаб борилади.

8. Тижорат банклари инкассация хизматини ташкил этишда хизмат қуроллари ва унинг ўқ-дориларини сотиб олиш, сақлаш, фойдаланиш хуқуқига ҳамда имкониятига эга бўлмаган ҳолларда, қонун ҳужжатлари билан нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилиш, ташиш ва кузатиб бориш ваколати берилган ҳамда хизмат қуроллари ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш ва улардан фойдаланиш хуқуқига эга бўлган вазирлик ва идораларга қарашли корхона ва ташкилотларнинг ходимлари шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

9. Тижорат банкларининг инкассация хизмати ушбу тижорат банкининг алоҳида таркибий бўлинмаси ёки тижорат банки томонидан мутлақ эгалигида алоҳида юридик шахс сифатида, шунингдек бир неча банклар томонидан алоҳида юридик шахс сифатида ташкил этилиши мумкин.

Тижорат банкининг инкассация хизмати банк кенгashi томонидан (бир неча банклар томонидан ташкил этилганда уларнинг кенгашлари томонидан биргаликда) тасдиқланган Устав асосида фаолият юритади.

LIKASI
AVLAT
XATIDA
KAZILDI
20*

2

Инкасация хизмати томонидан ҳудудий инкасация бўлимлари ташкил этилиши мумкин. Бунда инкасация бўлимларини ташкил этиш мазкур Низом талабларига мос ҳолда амалга оширилади.

10. Инкасация хизмати маҳсус автотранспорт ва радиоалоқа воситалари ҳамда бошқа зарур бўлган моддий-техник базани замонавий инновацион воситалари билан шакллантириб бориш чораларини кўриши мумкин.

11. Инкасация хизмати томонидан маҳсус автотранспорт воситалари ҳамда ташиладиган нақд пул ва бошқа қимматликлар суғурта қилиниши шарт.

12. Банк кенгаси (бир неча банклар томонидан ташкил этилганда биргаликда) инкасация хизматининг хизмат вазифалари ва функциялари белгиланган ички ҳужжатларини қонун ҳужжатлари талаблари асосида тасдиқлайди.

3-боб. Инкасация хизмати ходимларига қўйиладиган талаблар

13. Инкасация хизматининг штатлар жадвали инкасация хизмати кўрсатиш бўйича иш ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда тижорат банклари бошқарувлари (бир неча банклар томонидан ташкил этилганда биргаликда) томонидан белгиланади.

14. Инкасация хизмати раҳбари лавозимига олий маълумотга ҳамда иқтисодиёт ва молия соҳасида камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлган шахслар тайинланади.

Иқтисодиёт соҳасидаги ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар инкасация хизмати раҳбари лавозимига тайинланиши мумкин эмас.

15. Инкасация хизматига, агар иш бевосита нақд пул ва бошқа қимматликларни инкасация қилиш, ташиш ва кузатиб бориш билан боғлиқ бўлса, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, соғлом, ўқотар қуроллар бўйича билим ва кўникмага эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Инкасация хизматининг хизмат қуроли ва унинг ўқ-дориларининг бут сақланишини, қабул қилиш ва топширилишини, ҳисобга олинишини ҳамда улардан фойдаланишини таъминлаш мажбурияти зиммасига юклатилган ходими, шунингдек хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари бириктирилган ходимлари шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти базасида хизмат қуроли ва маҳсус воситаларни олиб юриш ва улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтиши ва тегишли сертификатга эга бўлиши шарт.

16. Инкасация хизматига қабул қилинаётган ҳар бир ходим турар жойи бўйича тиббий муассасадан, шунингдек руҳий-асаб ва наркологик диспансерлар текширувидан дастлабки тиббий кўрикдан ўтказилади.

Янги ишга қабул қилинган ҳар бир ходимнинг инкасация ишига доир норматив ҳужжатларни ўзлаштирганлиги, ўқотар қуролларнинг материал қисми, техник-тактик хусусиятлари ва улардан фойдаланиш тартибини билиши, шунингдек уларнинг жисмоний тайёргарлиги синалганидан сўнг инкасация хизмати раҳбари томонидан ишлашларига рухсат берилади.

17. Ишга қабул қилинган ҳар бир ходимнинг шахсий йиғма жилдида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар билан биргаликда:



тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома;

хизмат сири, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкасация қилиш, ташиш ва кузатиб бориш бўйича маълумотларни ошкор қилмаслик тўғрисида тилхат бўлиши лозим.

18. Тижорат банки (бир неча банклар томонидан ташкил этилганда уларнинг ўзаро келишуви асосида) томонидан инкасация хизматининг хизмат қуроли биринчирилган ҳар бир ходимининг ҳаёти ва соғлиги суғурта қилиниши лозим.

19. Хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари биринчирилган инкасация хизмати ходимлари мажбурий равишда йилига бир марта тижорат банк томонидан тиббий муассасалар билан тузилган шартнома асосида тиббий текширувидан ўтказилиши шарт.

20. Инкасация хизмати норматив ҳужжатлар талаблари асосида муентазам равишда нақд пул ва бошқа қимматликларни инкасация қилиш, ташиш ва кузатиб бориш ишларига жалб этилган ходимларнинг қасбий, жисмоний ҳамда жанговор маҳоратини ошириб бориш учун бир йилда икки маротаба биринчирилган хизмат қуролларидан ходимлар билан амалий ўқ отиш машғулотларини ўтказиш, шунингдек бир йилда бир маротаба ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини синаш бўйича зарур чораларни кўриб бориши лозим.

4-боб. Инкасация хизматининг маҳсус автотранспорт воситаларига талаблар

21. Нақд пул ва бошқа қимматликлар инкасация хизматининг ёпиқ кузовли маҳсус автотранспорт воситасида ташилиши шарт.

22. Инкасация йўналишлари давомида нақд пул ва бошқа қимматликларнинг дахлсизлигини ва бутлигини таъминлаш мақсадида ёпиқ кузовли маҳсус автотранспорт воситалари:

нақд пул ва бошқа қимматликларни жойлаштириш учун қутилар билан жиҳозланиши ва ушбу қутилар маҳсус автотранспорт воситасининг ички салонига ҳайдовчининг автомобилни бошқариш вақтида манёвр қилишга халақит бермайдиган ўлчамда ва жойда маҳкамланган бўлиши (ёки ушбу қутилар маҳсус автотранспорт воситасининг юк хонасига жиҳозланиши мумкин);

ҳайдовчининг бошқариши тарафидан эшикларни блокировка қилиниши, ўриндиқлари икки қатор, йўловчи бўлинмаси тўртта эшикли бўлиши;

ўриндиқлар сони ҳайдовчи билан бирга 5 тадан кам бўлмаслиги, олди ва орқа томондан зарбалардан химояланган бўлиши лозим.

23. Нақд пул ва бошқа қимматликлар ҳажми ва муҳимлигидан келиб чиқиб, зирҳли (бронли) автотранспорт воситаларидан фойдаланилиши ва ушбу автотранспорт воситаси:

кузови юк фургон бўлиши;

кабина ва ойналари зирҳланган;

кабинада “ҳайдовчи-кўча” ва “ҳайдовчи-юкхона” мулоқот ускунаси;

юкхонанинг ички панжарали эшиги қулфланиши;

ичкаридан қулфланувчи ўқ отиш туйнуклари билан жиҳозланган бўлиши лозим.



24. Махсус ва зирҳли (бронли) автотранспорт воситалари нақд пул ва бошқа қимматликларнинг дахлсизлиги (бутлиги)ни, шунингдек бригада аъзоларини хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқа қурилма ва воситалар билан жиҳозланиши мумкин.

25. Инкассация хизмати махсус ва зирҳли (бронли) автотранспорт воситаларини қўшимча равишда видеорегистратор ва навигация мониторинг тизимлари билан жиҳозлаши мумкин.

26. Инкассация хизмати нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилиш, ташиш ва кузатиб боришда фойдаланиладиган махсус автотранспорт воситалари Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси билан келишилган ҳолда махсус кўк рангли чироқли маёқча (мигалка), товушли сигналлар (сирена), ҳимояланган радио каналини ташкиллаштириш ҳусусиятига эга рақамли радиоалоқа воситалари билан жиҳозланган, инкассация хизмати логотипи туширилган ва ташки қисмлари рангли-график схема асосида бўялган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларида махсус автомобиль сифатида рўйхатга қўйилади.

27. Махсус автотранспорт воситаси инкассация хизматида фойдаланишдан тўхтатилганда махсус кўк рангли маёқча (мигалка), товушли сигнал (сирена), тезкор радиоалоқа воситалари ва ташки қисмларидағи рангли-график схемалар демонтаж қилиниши шарт.

Бу ҳақда тузилган далолатнома нусхаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси хизматларига махсус автомобилларни рўйхатдан чиқариш учун тақдим этилади.

28. Инкассация хизмати махсус автотранспорт воситаларига бошқа автотранспорт воситаларидан ажралиб турувчи ахборот ёзувларининг (логотип, эмблема ва бошқалар) мазмуни инкассация хизмати томонидан мустақил равишда белгиланади.

29. Махсус автотранспорт воситалари инкассаторлар гурухи, нақд пул ва бошқа қимматликларнинг сони ва ҳажмларини тўлиқ жойлаштирилишини ҳамда ташишда дахлсизлигини таъминлаш каби талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

30. Инкассация хизматининг махсус автотранспорт воситаларида нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилиш, ташиш ва кузатиб бориши ишларида бригада ходимларидан ташқари (кузатувни амалга ошириш ишлар бундан мустасно) бошқа ходимлари бўлишига, шунингдек ушбу махсус автотранспорт воситалардан инкассация қилиш ва ташиш ишларидан ташқари бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

5-боб. Инкассация хизматининг бино ва иншоотларига қўйиладиган талаблар

31. Инкассация хизмати ўз фаолиятининг амалга ошириши учун қўйидагилар билан жиҳозланган бино (иншоот)ларга эга бўлиши лозим:

инкассация хизмати ходимлари йўналишга чиқишида тайёргарлик кўриши ва йўл-йўрикларни ўтказиш учун хона;

махсус автотранспорт воситаларини сақлаш учун жой (гараж);



муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамланган, сигнализация воситалари ва ёнғиндан автоматик хабарлаш қурилмалари билан жиҳозланган хизмат қуроллари ва унинг ўқ-дориларини сақлаш учун хона;

хизмат қуролини ўқлаш ва ўқсизлантириш учун ўқ ушлаб қолувчи мослама ўрнатилган хона;

инкассаторлар гурухи фаолиятини тезкор назорат қилиниши учун турғун (стационар) радиоалоқа ўрнатилган ҳамда инкассация ишига оид ҳужжатларни сақлаш учун сейф (темир шкаф)лар билан жиҳозланган навбатчи инкассатор хонаси;

инкассация хизмати ходимлари ечиниб кийинишлари ва шахсий ҳимоя воситаларини сақлаш учун хона.

32. Бино (иншоот)лар амалдаги ёнгин хавфсизлиги меъёри талабларига мос келиши ва доимий ишчи ҳолатда бўлиши лозим. Бунда фавқулодда вазиятларда инсонларни, хизмат қуроллари ва унинг ўқ дориларини, моддий бойликларни инкассация биносидан хавфсиз эвакуация қилиш учун шароит яратилган бўлиши керак.

33. Инкассация хизмати бино (иншоот)ларидаги хизмат қуроллари ва унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналари муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамланган, хавфдан огоҳ этувчи, қўриқлаш сигнализация воситалари ва ёнғиндан автоматик хабарлаш қурилмалари билан жиҳозланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш хизматининг техник маркази (пункт)га уланган бўлиши ва қўриқлаш саф бўлинмалари билан қўриқланиши шарт.

34. Инкассация хизматининг хизмат қуроли ва унинг ўқ-дориларини сақлаш ҳамда навбатчи хоналари видео кузатув воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

6-боб. Инкассация хизматини ташкил этиш бўйича кўйилган талабларга мувофиқлигини назорат қилиш

35. Инкассация хизмати мазкур низом талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда фаолиятини бошлайди.

Тижорат банклари (бир неча банклар ташкил этганда улар томонидан танлаб олинган банк) томонидан инкассация хизмати тўлиқ ташкил этилган кундан бошлаб 2 кун муддат ичida Марказий банкка инкассация хизмати ташкил этганлиги тўғрисида маълумотнома ва банк кенгаши қарори нусхаси (бир неча банклар томонидан ташкил этилганда кенгаш қарорлари) ёзма равишда ёки электрон шаклда юборилади.

36. Марказий банк томонидан инкассация хизмати ташкил этилганлиги юзасидан ўрганиш ўтказилади ва далолатнома расмийлаштирилади. Ўрганиш натижаларида камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланса, далолатномада қайд этилади ва Марказий банк томонидан тижорат банкига муддати белгиланган ҳолда камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатма хат юборилади.

7-боб. Якуний қоидалар

37. Инкассация хизматини ташкил этиш, сифатли инкассация хизматини кўрсатиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилиш, ташиш ва кузатиб боришда ҳамда уларнинг даҳлсизлигини таъминлашда қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат банки ва инкассация хизмати раҳбарлари жавобгар ҳисобланадилар.



38. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири

2020 йил "27" июн



Н. Бобожонов

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси кўмандони

2020 йил "27" июн



Р. Джураев

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазири в.

2020 йил "27" июн



Т. Худайбергенов

